

**О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 13 » май 20 19 у.

№ 393

Toshkent sh.

**Умумий ўрта таълим тўғрисидаги расмий ҳужжатларнинг давлат
намунасини тасдиқлаш ҳақида**

Ўн бир йиллик мажбурий умумий ўрта таълим тизимиغا изчил ўтишни таъминлаш, такомиллаштирилган давлат таълим стандарти ва ўқув дастурлари асосида умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларига давлат намунасидаги расмий ҳужжатларни бериш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Қуйидагилар:

Умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатноманинг давлат намунаси ва унинг тавсифи 1-иловага мувофиқ;

Умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестатнинг давлат намунаси ва унинг тавсифи 2-иловага мувофиқ;

Психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактабни (мактаб-интернат) тамомлаганлик тўғрисидаги сертификат намунаси ва унинг тавсифи 3-иловага мувофиқ;

Умумий ўрта таълим тўғрисида давлат намунасидаги расмий ҳужжатларни бериш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги “Давлат белгиси” давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси Халқ таълими вазирлиги буюртмасига мувофиқ зарур миқдордаги умумий ўрта таълим тўғрисида давлат намунасидаги расмий ҳужжатлар бланкаларини Молия вазирлиги билан келишган ҳолда чоп этсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Халқ таълими вазирлиги томонидан тақдим этилган асосланган ҳисоб-китобларга асосан умумий ўрта таълим тўғрисида давлат намунасидаги расмий ҳужжатлар бланкаларини чоп этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун зарур маблағларни белгиланган тартибда назарда тутсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирасин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари А.А. Абдухакимов ва Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ш.Х. Шерматов зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “ 13 ” _____ май даги
393 _____-сон қарорига
1-илова


**Умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатноманинг
давлат намунаси ва унинг тавсифи**

	<p>O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН REPUBLIC OF UZBEKISTAN</p>  <p>UMUMIY O‘RTA TA‘LIM TO‘G‘RISIDA ШАҲОДАТНОМА СВИДЕТЕЛЬСТВО О СРЕДНЕМ ОБЩЕМ ОБРАЗОВАНИИ CERTIFICATE OF GENERAL SECONDARY EDUCATION</p>
--	--

<p>O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI</p> <p>UMUMIY O‘RTA TA‘LIM TO‘G‘RISIDA</p> <p>ШАҲОДАТНОМА TM № 0000000</p> <p>Ushbu shahodatnoma</p> <p>Direktor M.O’.</p> <p>Berilgan sana Qayd qilingan raqami</p>	<p>РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН REPUBLIC OF UZBEKISTAN</p> <p>СВИДЕТЕЛЬСТВО о среднем общем образовании CERTIFICATE of General Secondary Education</p> <p>TM № 0000000</p> <p>Настоящим подтверждается, что <i>This is to certify that</i></p> <p>Директор Director M.П / Seal</p> <p>Дата выдачи / Date of issue Регистрация № / Registration No.</p>
---	---

	<p>О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН REPUBLIC OF UZBEKISTAN</p> <p>TM № 0000000</p> <p>UMUMIY O‘RTA TA‘LIM TO‘G‘RISIDA SHAHODATNOMAGA ILOVA</p> <p>ПРИЛОЖЕНИЕ К СВИДЕТЕЛЬСТВУ О СРЕДНЕМ ОБЩЕМ ОБРАЗОВАНИИ</p> <p>SUPPLEMENT OF A CERTIFICATE OF GENERAL SECONDARY EDUCATION</p> <p>Туг‘илган sanasi Дата рождения Date of Birth</p> <p><small>Berilgan vaqti / Дата выдачи / Date of issue Qayd qilingan raqami / Регистрация № / Registration No.</small></p>
--	--

<p>Belgilangan o‘quv fanlaridan bilimi quyidagicha baholandi</p> <table border="1"><thead><tr><th>O‘quv fanlari</th><th>Reyting baholari (ball)</th></tr></thead><tbody><tr><td> </td><td> </td></tr></tbody></table> <p>Direktor M.O.</p>	O‘quv fanlari	Reyting baholari (ball)			<p>Знание предметов были оценены следующими отметками / The following subjects were assessed</p> <table border="1"><thead><tr><th>Учебные предметы / Subjects</th><th>Отметки / Score</th></tr></thead><tbody><tr><td> </td><td> </td></tr></tbody></table> <p>Direktor Director M.П. / Seal</p>	Учебные предметы / Subjects	Отметки / Score		
O‘quv fanlari	Reyting baholari (ball)								
Учебные предметы / Subjects	Отметки / Score								

	<p>О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН REPUBLIC OF UZBEKISTAN</p>  <p>UMUMIY O‘RTA TA‘LIM TO‘G‘RISIDA A‘LO DARAJALI ШАҲОДАТНОМА СВИДЕТЕЛЬСТВО О СРЕДНЕМ ОБЩЕМ ОБРАЗОВАНИИ С ОТЛИЧИЕМ CERTIFICATE OF GENERAL SECONDARY EDUCATION WITH HONOURS</p>
--	--

<p>О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI</p> <p>UMUMIY O‘RTA TA‘LIM TO‘G‘RISIDA A‘LO DARAJALI</p> <p>ШАҲОДАТНОМА</p> <p>TM-A № 0000000</p> <p>Ushbu shahodatnoma</p> <p>Директор M.O‘.</p> <p>Берилган сана Qayd qilingan raqami</p>	<p>РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН REPUBLIC OF UZBEKISTAN</p> <p>СВИДЕТЕЛЬСТВО о среднем общем образовании с отличием</p> <p>CERTIFICATE <i>of General Secondary Education with honours</i></p> <p>TM-A № 0000000</p> <p>Настоящим подтверждается, что <i>This is to certify that</i></p> <p>Директор Director M.П / Seal</p> <p>Дата выдачи / <i>Date of issue</i> Регистрация № / <i>Registration No.</i></p>
---	---

	<p>ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН REPUBLIC OF UZBEKISTAN</p> <p>TM-A № 0000000 UMUMIY O'RTA TA'LIM TO'G'RISIDA A'LO DARAJALI SHAHODATNOMAGA ILOVA</p> <p>ПРИЛОЖЕНИЕ К СВИДЕТЕЛЬСТВУ О СРЕДНЕМ ОБЩЕМ ОБРАЗОВАНИИ С ОТЛИЧИЕМ</p> <p>SUPPLEMENT <i>OF A CERTIFICATE OF GENERAL SECONDARY EDUCATION WITH HONOURS</i></p> <p>Tug'ilgan sanasi Дата рождения <i>Date of Birth</i></p> <p><i>Berilgan sana / Дата выдачи / Date of issue</i> <i>Qayd qilingan raqami / Регистрация № / Registration No.</i></p>
--	--

<p>Bejilangan o'quv fanlaridan bilimi quyidagicha baholandi</p> <table border="1"><thead><tr><th>O'quv fanlari</th><th>Reyting baholari (ball)</th></tr></thead><tbody><tr><td style="height: 150px;"></td><td></td></tr></tbody></table> <p>Direktor M.O'.</p>	O'quv fanlari	Reyting baholari (ball)			<p>Знание предметов были оценены следующими отметками / <i>The following subjects were assessed</i></p> <table border="1"><thead><tr><th>Учебные предметы / Subjects</th><th>Отметки / Marks</th></tr></thead><tbody><tr><td style="height: 150px;"></td><td></td></tr></tbody></table> <p>Директор Director M.П / Seal</p>	Учебные предметы / Subjects	Отметки / Marks		
O'quv fanlari	Reyting baholari (ball)								
Учебные предметы / Subjects	Отметки / Marks								

Умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатноманинг тавсифи

Умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатнома 210 x 148 мм ўлчамли, вертикал жойлашган, тўқ ҳаворанг (аъло даражали шаҳодатнома тўқ қизил рангли) кўринишга эга. Унинг юза томонида юқори қисмига “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI, РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН, REPUBLIC OF UZBEKISTAN”, қуйи қисмига “UMUMIY O‘RTA TA‘LIM TO‘G‘RISIDA SHAHODATNOMA, СВИДЕТЕЛЬСТВО О СРЕДНЕМ ОБЩЕМ ОБРАЗОВАНИИ, CERTIFICATE OF GENERAL SECONDARY EDUCATION” аъло даражали шаҳодатномага “UMUMIY O‘RTA TA‘LIM TO‘G‘RISIDA A‘LO DARAJALI SHAHODATNOMA, СВИДЕТЕЛЬСТВО О СРЕДНЕМ ОБЩЕМ ОБРАЗОВАНИИ С ОТЛИЧИЕМ, CERTIFICATE OF GENERAL SECONDARY EDUCATION WITH HONOURS” сўзлари ёзилади ва марказига Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилади.

Шаҳодатноманинг ички ҳар икки варағида: “шаҳодатнома” ТМ, “аъло даражали шаҳодатнома” ТМ-А ҳарфи ва еттита рақамли тартиб раками ёзилади.

Қоғоз тафсилоти:

қоғоз — 100% пахта, қалинлиги 140 ± 5 г/м², оқартиргичсиз, акс этмайдиган ультрабинафша нури;

ёруғликда яхши кўринадиган “пахта кўсаги” кўринишидаги асосий уч ўлчовли сув белгиси;

кўринадиган рангли тола кўк ва сариқ тусда, қоғоз сиртида тартибсиз жойлашган, узунлиги 2,5 — 3 мм, “киприк” шаклида, кўз билан кўринади;

кўринмайдиган тола қизил ва яшил тусда, қоғоз қатламида тартибсиз жойлашган, узунлиги 2,5 — 3 мм, “киприк” шаклида ультрабинафша нурлари остида кўринади.

Босма тафсилоти:

Усти қисм:

босма жараёнида эксклюзив кимёвий турғун матбаа бўёқлари қўлланилади;

асосий фони (шаҳодатнома – тўқ ҳаворанг, аъло даражали шаҳодатнома – тўқ қизил ранг) рельеф тангир сетка шаклидаги расмдан ташкил топган;

бланканинг ўнг томони марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири чоп этилади, диаметри 30 мм;

матн қора рангда чоп этилади.

Ички қисм:

асосий фони (шаҳодатнома – тўқ ҳаворанг, аъло даражали шаҳодатнома – тўқ қизил ранг) икки тангир сеткадан иборат ва ҳар хил

бурилиш бурчакларида жойлашган ингичка чизиқларни акс этган орнаментал расмдан ташкил топган;

орнаментал расмдаги тангер сетканинг бирида “REPUBLIC OF UZBEKISTAN” сўзи такрорланадиган кичик матнда ёзилган. Нусха кўчиришдан ҳимоя сифатида хизмат қилади;


бланканинг чап томонида ўзгарувчан рангда OVI бўёғи ишлатилган очик китоб тасвири туширилган;

бланканинг икки томон марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг кўринмайдиган тасвири туширилган, диаметри 40 мм;

етти хонали рақам қора флуоресценция бўёғида чоп этилади, ультрабинафша нурларида яшил рангда ёруғлик сочади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “ 13 ” _____ май даги
393-сон қарорига
2-илова


**Умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестатнинг
давлат намунаси ва унинг тавсифи**

	<p>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН REPUBLIC OF UZBEKISTAN</p>  <p>UMUMIY O'RTA TA'LIM TO'G'RISIDA АТТЕСТАТ АТТЕСТАТ О СРЕДНЕМ ОБЩЕМ ОБРАЗОВАНИИ CERTIFICATE OF GENERAL SECONDARY EDUCATION</p>
--	--

<p>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI</p> <p>UMUMIY O'RTA TA'LIM TO'G'RISIDA</p> <p>АТТЕСТАТ</p> <p>UM № 0000000</p> <p>Ushbu attestat</p> <p>Direktor M.O'.</p> <p>Berilgan sana Qayd qilingan raqami</p>	<p>РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН REPUBLIC OF UZBEKISTAN</p> <p>АТТЕСТАТ о среднем общем образовании</p> <p>CERTIFICATE <i>of General Secondary Education</i></p> <p>UM № 0000000</p> <p>Настоящим подтверждается, что <i>This is to certify that</i></p> <p>Директор <i>Director</i> М.П. / Seal</p> <p>Дата выдачи / <i>Date of issue</i> Регистрация № / <i>Registration No.</i></p>
--	--

	<p>ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН REPUBLIC OF UZBEKISTAN</p> <p>UM № 0000000 UMUMIY O'RTA TA'LIM TO'G'RI SIDA ATTESTATGA ILOVA</p> <p>ПРИЛОЖЕНИЕ К АТТЕСТАТУ О СРЕДНЕМ ОБЩЕМ ОБРАЗОВАНИИ</p> <p>SUPPLEMENT <i>OF A CERTIFICATE OF GENERAL SECONDARY EDUCATION</i></p> <p>Туг'илган sanasi Дата рождения <i>Date of Birth</i></p> <p>Берилган сана / Дата выдачи / <i>Date of issue</i> Qayd qilingan raqami / Регистрация № / <i>Registration No.</i></p>
--	--


<p>Belgilangan o'quv fanlaridan bilimi quyidagicha baholandi</p> <table border="1"><thead><tr><th>O'quv fanlari</th><th>Reyting baholari (ball)</th></tr></thead><tbody><tr><td> </td><td> </td></tr></tbody></table> <p>Direktor M.O'.</p>	O'quv fanlari	Reyting baholari (ball)			<p>Знание предметов были оценены следующими отметками / <i>The following subjects were assessed</i></p> <table border="1"><thead><tr><th>Учебные предметы / <i>Subjects</i></th><th>Отметка / <i>Score</i></th></tr></thead><tbody><tr><td> </td><td> </td></tr></tbody></table> <p>Директор <i>Director</i> M.П. / <i>Seal</i></p>	Учебные предметы / <i>Subjects</i>	Отметка / <i>Score</i>		
O'quv fanlari	Reyting baholari (ball)								
Учебные предметы / <i>Subjects</i>	Отметка / <i>Score</i>								

	<p>ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН REPUBLIC OF UZBEKISTAN</p>  <p>UMUMIY O'RTA TA'LIM TO'G'RISIDA АТТЕСТАТ АТТЕСТАТ О СРЕДНЕМ ОБЩЕМ ОБРАЗОВАНИИ CERTIFICATE OF GENERAL SECONDARY EDUCATION</p>
--	--

<p>ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI UMUMIY O'RTA TA'LIM TO'G'RISIDA</p> <p>АТТЕСТАТ</p> <p>UM-K № 0000000</p> <p>Ushbu attestat</p> <p>"O'qishdagi muvaffaqiyatlari va namunali xulqi uchun" KUMUSH medal taqdirlandi.</p> <p>Direktor M.O'. Berilgan sana Qayd qilingan raqami</p>	<p>РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН REPUBLIC OF UZBEKISTAN</p> <p>АТТЕСТАТ o srednem obshchem obrazovanii</p> <p>CERTIFICATE <i>of General Secondary Education</i></p> <p>UM-K № 0000000</p> <p>Настоящим подтверждается, что <i>This is to certify that</i></p> <p>Директор <i>Director</i> М.П / Seal</p> <p>Дата выдачи / <i>Date of issue</i> Регистрация № / <i>Registration No.</i></p>
--	---

	<p>ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН REPUBLIC OF UZBEKISTAN</p> <p>UM-K № 0000000 UMUMIY O'RTA TA'LIM TO'G'RISIDAGI ATTESTATGA ILOVA</p> <p>ПРИЛОЖЕНИЕ К АТТЕСТАТУ О СРЕДНЕМ ОБЩЕМ ОБРАЗОВАНИИ</p> <p>SUPPLEMENT OF A CERTIFICATE OF GENERAL SECONDARY EDUCATION</p> <p>Туг'илган sanasi Дата рождения <i>Date of Birth</i></p> <p><i>Berilgan sana / Дата выдачи / Date of issue</i> <i>Qayd qilingan raqami / Регистрация № / Registration No.</i></p>
--	--

<p>Belgilangan o'quv fanlaridan bilimi quyidagicha baholandi</p> <table border="1"><thead><tr><th>O'quv fanlari</th><th>Reyting baholari (ball)</th></tr></thead><tbody><tr><td> </td><td> </td></tr></tbody></table> <p>Direktor M.O'.</p>	O'quv fanlari	Reyting baholari (ball)			<p>Знание предметов были оценены следующими отметками / The following subjects were assessed</p> <table border="1"><thead><tr><th>Учебные предметы / Subjects</th><th>Отметка / Score</th></tr></thead><tbody><tr><td> </td><td> </td></tr></tbody></table> <p>Директор Director M П / Seal</p>	Учебные предметы / Subjects	Отметка / Score		
O'quv fanlari	Reyting baholari (ball)								
Учебные предметы / Subjects	Отметка / Score								

	<p>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН REPUBLIC OF UZBEKISTAN</p>  <p>UMUMIY O'RTA TA'LIM TO'G'RISIDA A'LO DARAJALI АТТЕСТАТ АТТЕСТАТ О СРЕДНЕМ ОБЩЕМ ОБРАЗОВАНИИ С ОТЛИЧИЕМ CERTIFICATE OF GENERAL SECONDARY EDUCATION WITH HONOURS</p>
--	--

<p>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI UMUMIY O'RTA TA'LIM TO'G'RISIDA A'LO DARAJALI АТТЕСТАТ UM-O № 0000000 Ushbu attestat</p> <p>“O'qishdagi muvaffaqiyatlari va namunali xulqi uchun” OLTIN medal taqdirlandi.</p> <p>Direktor M.O'.</p> <p>Berilgan sana Qayd qilingan raqami</p>	<p>РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН REPUBLIC OF UZBEKISTAN</p> <p>АТТЕСТАТ o'rtam umumiy obrazovaniya s otlichiem CERTIFICATE <i>of General Secondary Education with Honours</i> UM-O № 0000000 Настоящим подтверждается, что <i>This is to certify that</i></p> <p>Директор Director M.П / Seal</p> <p>Дата выдачи / Date of issue Регистрация № / Registration No.</p>
---	--

	<p>ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН REPUBLIC OF UZBEKISTAN</p> <p>UM-O № 0000000 UMUMIY O'RTA TA'LIM TO'G'RSIDA A'LO DARAJALI ATTESTATGA ILOVA</p> <p>ПРИЛОЖЕНИЕ К АТТЕСТАТУ О СРЕДНЕМ ОБЩЕМ ОБРАЗОВАНИИ С ОТЛИЧИЕМ</p> <p>SUPPLEMENT OF A CERTIFICATE GENERAL SECONDARY EDUCATION WITH HONOURS</p> <p>Туг'илган sanasi Дата рождения <i>Date of Birth</i></p> <p><small>Berilgan sana / Дата выдачи / <i>Date of issue</i> Qayd qilingan raqami / Регистрация № / <i>Registration No</i></small></p>
--	--

<p>Belgilangan o'quv fanlaridan bilimi quyidagicha baholandi</p> <table border="1"><thead><tr><th>O'quv fanlari</th><th>Reyting baholari (ball)</th></tr></thead><tbody><tr><td> </td><td> </td></tr></tbody></table> <p>Direktor M.O'.</p>	O'quv fanlari	Reyting baholari (ball)			<p>Знание предметов были оценены следующими отметками / The following subjects were assessed</p> <table border="1"><thead><tr><th>Учебные предметы / Subjects</th><th>Отметка / Score</th></tr></thead><tbody><tr><td> </td><td> </td></tr></tbody></table> <p>Директор Director M.П. / Seal</p>	Учебные предметы / Subjects	Отметка / Score		
O'quv fanlari	Reyting baholari (ball)								
Учебные предметы / Subjects	Отметка / Score								

Умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестатнинг тавсифи

Умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат 210 x 148 мм ўлчамли, вертикал жойлашган, яшил (кумуш медал билан аттестат – кул ранг, аъло даражали олтин медал билан – олтин сариқ ранг) рангли кўринишга эга.

Унинг юза томонида юқори қисмига “O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI, РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН, REPUBLIC OF UZBEKISTAN”, қуйи қисмига “UMUMIY O‘RTA TA‘LIM TO‘G‘RISIDA ATTESTAT, ATTESTAT O СРЕДНЕМ ОБЩЕМ ОБРАЗОВАНИИ, CERTIFICATE OF GENERAL SECONDARY EDUCATION” аъло даражали аттестатга “UMUMIY O‘RTA TA‘LIM TO‘G‘RISIDA A‘LO DARAJALI ATTESTAT, ATTESTAT O СРЕДНЕМ ОБЩЕМ ОБРАЗОВАНИИ С ОТЛИЧИЕМ, CERTIFICATE OF GENERAL SECONDARY EDUCATION WITH HONOURS” сўзлари ёзилади ва марказига Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилади.

Аттестатнинг ички ҳар икки варағида: “аттестат” UM, “кумуш медал билан аттестат” UM-K “аъло даражали олтин медал” UM-O ҳарфи ва етита рақамли тартиб рақами ёзилади.

Қоғоз тафсилоти:

қоғоз — 100% пахта, калинлиги 140 ± 5 г/м², оқартиргичсиз, акс этмайдиган ультрабинафша нури;

ёруғликда яхши кўринадиган “пахта кўсаги” кўринишидаги асосий уч ўлчовли сув белгиси;

кўринадиган рангли тола кўк ва сариқ тусда, қоғоз сиртида тартибсиз жойлашган, узунлиги 2,5 — 3 мм, “киприк” шаклида, кўз билан кўрилади;

кўринмайдиган тола қизил ва яшил тусда, қоғоз қатламида тартибсиз жойлашган, узунлиги 2,5 — 3 мм, “киприк” шаклида ультрабинафша нурлари остида кўрилади.

Босма тафсилоти:

Усти қисм:

босма жараёнида эксклюзив кимёвий турғун матбаа бўёқлари қўлланилади;

асосий фони (шаҳодатнома – яшил ранг, кумуш медал билан аттестат – кул ранг, аъло даражали олтин медал – олтин сариқ ранг) рельеф тангир сетка шаклидаги расмдан ташкил топган;

бланканинг ўнг томони марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири чоп этилади, диаметри 30 мм;

матн қора рангда чоп этилади.

Ички қисм:

асосий фони (шаҳодатнома – яшил ранг, кумуш медаль билан аттестат – кул ранг, аъло даражали олтин медаль – олтин сариқ ранг) икки тангир сеткадан иборат ва хар хил бурилиш бурчакларида жойлашган ингичка чизиқларни акс этган орнаментал расмдан ташкил топган;

орнаментал расмдаги тангер сетканинг бирида “REPUBLIC OF UZBEKISTAN” сўзи такрорланадиган кичик матнда ёзилган. Нусха кўчиришдан химоя сифатида хизмат қилади;


бланканинг чап томонида ўзгарувчан рангда OVI бўёғи ишлатилган очиқ китоб тасвири туширилган;

бланканинг икки томон марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг кўринмайдиган тасвири туширилган, диаметри 40 мм;

етти хонали ракам кора флуоресценция бўёғида чоп этилади, ультрабинафша нурларида яшил рангда ёруғлик сочади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил "13" _____ майдаги
393-сон қарорига
3-илова

**Психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун
ихтисослаштирилган мактабни (мактаб-интернат) тамомлаганлик
тўғрисидаги сертификат намунаси ва унинг тавсифи**

	<p>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН REPUBLIC OF UZBEKISTAN</p>  <p>SERTIFIKAT СЕРТИФИКАТ CERTIFICATE</p>
--	--

<p>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI</p> <p>SERTIFIKAT S № 0000000 Ushbu sertifikat</p> <p>Direktor M.O.</p> <p>Berilgan sana Qayd qilingan raqami</p>	<p>РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН REPUBLIC OF UZBEKISTAN</p> <p>СЕРТИФИКАТ / CERTIFICATE</p> <p>S № 0000000</p> <p>Настоящим подтверждается, что <i>This is to certify that</i></p> <p>Директор Director M.П / Seal</p> <p>Дата выдачи / Date of issue Регистрация № / Registration No.</p>
--	--

	<p>ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН REPUBLIC OF UZBEKISTAN</p> <p>S № 0000000 CERTIFIKATGA ILOVA</p> <p>ПРИЛОЖЕНИЕ К СЕРТИФИКАТУ</p> <p>SUPPLEMENT A CERTIFICATE</p> <p>Туг'илган sanasi Дата рождения <i>Date of Birth</i></p> <p>Берилган сана / Дата выдачи / <i>Date of issue</i> Qayd qilingan raqami / Регистрация № / Registration No.</p>
--	--

<p>Belgilangan o'quv fanlaridan bilimi quyidagicha baholandi</p> <table border="1"><thead><tr><th>O'quv fanlari</th><th>Reyting baholari (ball)</th></tr></thead><tbody><tr><td style="height: 200px;"></td><td></td></tr></tbody></table> <p>Direktor M.O'.</p>	O'quv fanlari	Reyting baholari (ball)			<p>Знание предметов были оценены следующими отметками / <i>The following subjects were assessed</i></p> <table border="1"><thead><tr><th>Учебные предметы / Subjects</th><th>Отметки / Score</th></tr></thead><tbody><tr><td style="height: 200px;"></td><td></td></tr></tbody></table> <p>Директор Director M.П / Seal</p>	Учебные предметы / Subjects	Отметки / Score		
O'quv fanlari	Reyting baholari (ball)								
Учебные предметы / Subjects	Отметки / Score								

**Психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун
ихтисослаштирилган мактабни (мактаб-интернат) тамомлаганлик
тўғрисидаги сертификат
тавсифи**

Психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун иختисослаштирилган мактабни (мактаб-интернатни) тамомлаганлик тўғрисида сертификат 210 x 148 мм ўлчамли, вертикал жойлашган, бинафша рангли кўринишга эга. Унинг юза томонида юқори қисмига «O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI, РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН, REPUBLIC OF UZBEKISTAN», қуйи қисмига «SERTIFIKAT, СЕРТИФИКАТ, CERTIFICATE» сўзлари ёзилади ва марказига Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилади.

Сертификатнинг ички ҳар икки варағида: S ҳарфи ва етти та рақамли тартиб рақами ёзилади.

Қоғоз тафсилоти:

қоғоз — 100% пахта, қалинлиги 140 ± 5 г/м², оқартиргичсиз, акс этмайдиган ультрабинафша нури;

ёруғликда яхши кўринадиган «пахта кўсаги» кўринишидаги асосий уч ўлчовли сув белгиси;

кўринадиган рангли тола кўк ва сариқ тусда, қоғоз сиртида тартибсиз жойлашган, узунлиги 2,5 — 3 мм, «киприк» шаклида, кўз билан кўрилади;

кўринмайдиган тола қизил ва яшил тусда, қоғоз қатламида тартибсиз жойлашган, узунлиги 2,5 — 3 мм, «киприк» шаклида ультрабинафша нурлари остида кўрилади.

Босма тафсилоти:

Усти қисм:

босма жараёнида эксклюзив кимёвий турғун матбаа бўёқлари қўлланилади;

асосий фони бинафша ранг, рельеф тангир сетка шаклидаги расмдан ташкил топган;

бланкнинг ўнг томони марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири чоп этилади, диаметри 30 мм;

матн қора рангда чоп этилади.

Ички қисм:

асосий фони бинафша ранг икки тангир сеткадан иборат ва ҳар хил бурилиш бурчакларида жойлашган ингичка чизикларни акс этган орнаментал расмдан ташкил топган;

орнаментал расмдаги тангер сетканинг бирида «REPUBLIC OF UZBEKISTAN» сўзи такрорланадиган кичик матнда ёзилган. Нусха кўчиришдан ҳимоя сифатида хизмат қилади;

бланканинг чап томонида ўзгарувчан рангда OVI бўёғи ишлатилган очик китоб тасвири туширилган;

бланканинг икки томон марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг кўринмайдиган тасвири туширилган, диаметри 40 мм;

етти хонали рақам қора флуоресценция бўёғида чоп этилади, ультрабинафша нурларида яшил рангда ёруғлик сочади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “13” _____ май даги
393 -сон қарорига
4-илова

Умумий ўрта таълим тўғрисидаги расмий давлат ҳужжатларини битирувчиларга бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом давлат умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда нодавлат таълим хизматлари фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга (кейинги ўринларда давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим муассасалари деб аталади) умумий ўрта таълим тўғрисидаги расмий давлат ҳужжатларини тайёрлашга буюртма бериш, уларни тайёрлаш, сақлаш ва битирувчиларга бериш тартибини белгилайди.

2. Умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ва таълим йўналиши бўйича халқаро битимни имзолаган давлатлар ҳудудидаги академик лицейларга, умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларига кириш учун ҳужжатларни топшириш ҳамда танлов натижаларига кўра таълим олишни давом эттириш ҳуқуқини беради.

3. Умумий ўрта таълим тўғрисидаги расмий давлат ҳужжатлари (кейинги ўринларда аттестат ва сертификат деб аталади) қуйидагича номланади:

- а) умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаходатнома (9-синф);
умумий ўрта таълим тўғрисидаги аъло даражали шаходатнома (9-синф);
- б) умумий ўрта таълим тўғрисидаги аттестат (11-синф);
умумий ўрта таълим тўғрисидаги (кумуш медаль билан) аттестат (11-синф);
умумий ўрта таълим тўғрисидаги аъло даражали (олтин медаль билан) аттестат (11-синф);
- в) психик ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактабни (мактаб-интернат) тамомлаганлик тўғрисидаги сертификат.

2-боб. Аттестат ва сертификат бланкаларига буюртма бериш, сақлаш, ҳисобга олиш ва жойларга етказиш

4. Аттестат ва сертификат бланкалари Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари (кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар деб аталади) ҳамда тизимида умумий ўрта таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирликлар,

идоралар ва ташкилотларнинг ёзма буюртмалари асосида шакллантирилган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг буюртмасига биноан ушбу Низомга 1-иловадаги схемасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки хузуридаги “Давлат белгиси” давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан муҳофазаланган қоғозда чоп этилади.

5. Худудий бошқармалар ва туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларида аттестат ва сертификат бланкаларини сақлаш, ҳисобга олиш ва жойларга етказиш бўйича масъул ходимлар (кейинги ўринларда масъул шахслар деб аталади) белгиланади.

Аттестат ва сертификат бланкаларини олиш ва тарқатишга масъул ходимлардан бошқа шахсларни жалб қилиш қатъиян тақиқланади.

Худудий бошқармалар ва туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларидаги масъул шахслар вақтинчалик бўлмаган ёки бошқа ишга ўтган тақдирда аттестат ва сертификат бланкаларини сақлаш, ҳисобга олиш ва жойларга етказиш вазифаси бошқа шахсларга юклатилади.

6. Аттестат ва сертификат бланкалари худудий бошқармаларга ҳар йили 1 июнга қадар юборилади.

Бошқа вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг тизимида бўлган умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда нодавлат умумтаълим ташкилотлари аттестат ва сертификат бланкаларини жойлашган манзили бўйича худудий бошқармалардан олади.

7. Худудий бошқармаларга юбориладиган аттестат ва сертификат бланкаларининг буюртмалари давлат статистика ҳисоботи кўрсаткичига мос келиши ёки ундан ошмаслиги лозим.

8. Худудий бошқармалар аттестат ва сертификат бланкаларини олганларидан сўнг уларнинг сонини ва тартиб рақамларини юк хати бўйича текширади. Текшириш якунига кўра аттестат ва сертификат бланкаларининг қабул қилиб олинганлиги тўғрисида далолатнома тузилади. Далолатнома худудий бошқарма бошлиғи ҳамда масъул шахс томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади. Далолатнома нусхаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига 5 иш кунидан кечиктирмай жўнатилади.

9. Худудий бошқармаларга олиб келинган аттестат ва сертификат бланкалари Аттестат ва сертификатни ҳисобга олиш ва тарқатиш дафтарида ҳисобга олинади ва сейфда сақланади.

10. Бошқа вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг тизимида бўлган умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда нодавлат умумтаълим ташкилотлари аттестат ва сертификат бланкаларини олганлиги тўғрисидаги далолатномани тегишлилиги бўйича бевосита худудий бошқармаларга тақдим этади.

11. Аттестат ва сертификат бланкаларининг тарқатилгани ҳақидаги ҳисобот ҳамда Аттестат ва сертификатни ҳисобга олиш ва тарқатиш дафтарида худудий бошқармаларнинг масъул шахси назоратдан ўтказилади.

12. Худудий бошқармалар аттестат ва сертификат бланкаларини ҳар йили 5 июнга қадар туман (шаҳар) халқ таълими бўлими масъул шахсига ишончнома асосида беради.

Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига бериладиган аттестат ва сертификатлар сони 9, 11-синфлар бўйича якуний аттестацияга қўйилган ўқувчилар сони асосида белгиланади.

13. Битирувчиларнинг якуний аттестацияси натижаларига кўра тузилган баҳолар ведомостларини ва педагогик кенгашнинг аттестат ва сертификат бериш ҳақидаги қароридан кўчирмани умумий ўрта таълим муассасалари директорлари туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига, бошқа вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг тизимида бўлган умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда нодавлат умумтаълим ташкилотлари директорлари тегишлилиги бўйича худудий бошқармаларга топшириши шарт.

14. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларидан ҳар йили 8 июнга қадар аттестат ва сертификат бланкалари умумий ўрта таълим муассасалари директорларига берилади ва бу ҳақида далолатнома тузилади.

Умумий ўрта таълим муассасалари директорлари аттестат ва сертификат бланкаларини битирувчиларга беришни таълим муассасаси педагогик кенгашининг умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларининг якуний аттестацияси натижалари ҳақидаги қарори, 8, 9 ҳамда 10, 11-синф журналлари асосида амалга оширади.

15. Худудий бошқармалар, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари ҳар бир давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим муассасасига берилаётган аттестат ва сертификат бланкаларининг сони, уларнинг тартиб рақамлари Аттестат ва сертификатни ҳисобга олиш ва тарқатиш дафтарида қайд этилишини назоратга оладилар.

Бошқа вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг тизимида бўлган умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда нодавлат умумтаълим ташкилотларининг битирувчиларига берилган аттестат ва сертификат бланкаларининг сони, уларнинг тартиб рақамларининг умумий ўрта таълим муассасаларининг Аттестат ва сертификатни ҳисобга олиш ва тарқатиш дафтарида қайд этилиши худудий бошқармалар томонидан қатъий назоратга олинади.

16. Ҳар йили 15 июнга қадар давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим муассасалари педагогик кенгашининг умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларининг якуний аттестацияси натижалари ҳақидаги қарори асосида битирувчиларга аттестат ва сертификат бланкалари тўлдирилади.

3-боб. Аттестат ва сертификат бланкаларини тўлдириш

17. Аттестат ва сертификат бланкаларини тўлдириш тартиби Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланади.

Аттестат ва сертификат бланкалари ўқувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома, агар 16 ёшга тўлган бўлса – паспорт) ва синф журналларидаги маълумотлар асосида тўлдирилади.

18. Умумий ўрта таълим муассасасида аттестат ва сертификат бланкаларини тўлдириш бўйича масъул ходим белгиланади.

19. Аттестат ва сертификат директорнинг имзоси ҳамда давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим муассасаси муҳри билан тасдиқланади. Муҳр аниқ ва ўқилиши осон бўладиган ҳолда туширилади. Давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим муассасасининг муҳри бўлмаган аттестат ва сертификат ҳақиқий ҳисобланмайди.

20. Яқуний аттестацияларни экстернат тартибида топширган шахслар аттестатининг юқори қисми ўнг бурчагига “экстерн” сўзи ёзилади.

21. Аттестат ва сертификатда ёзувларни ўчириб, қайта тўғрилашга ёки бирор устуннинг тўлдирилмай қолишига йўл қўйилмайди.

22. Аттестат ва сертификат бланкаларининг тўғри тўлдирилиши, баҳоларнинг ҳаққоний қўйилиши бўйича жавобгарлик шахсан давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим муассасаси директорига юкланади.

23. Аттестат ва сертификат бланкаларини тўлдириш жараёнида хатоликларга йўл қўйилган тақдирда масъул ходимларга нисбатан қонунчиликда белгиланган чоралар кўрилади ва бу ҳақдаги буйруқдан кўчирма ҳамда бошқа зарур ҳужжатлар асосида бузилган аттестат ва сертификат бланкалари ўрнига янги нусхалари ҳудудий бошқармалардан олинади. Ушбу бланкалар Аттестат ва сертификатни ҳисобга олиш ва тарқатиш дафтарининг “Асос” устунига “бузилган бланкалар ўрнига” деб ёзиб қўйилади.

Бузилган аттестат ва сертификат бланкалари тўғрисида давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим муассасасида далолатнома тузилади. Бузилган аттестат ва сертификатнинг тартиб рақамлари қирқиб олинади ва алоҳида қоғозга ёпиштирилиб, далолатноманинг асл нусхасига илова қилинган ҳолда ҳудудий бошқармаларга қайтарилади.

24. Бузилган аттестат ва сертификат бланкалари ҳар йили 15 августга қадар ҳудудий бошқармалар томонидан далолатнома асосида йўқ қилинади.

Далолатномада йўқ қилинган аттестат ва сертификат бланкаларнинг номи, сони ва тартиб рақами кўрсатилади. Далолатнома масъул шахс ва бош бухгалтер томонидан имзоланади ва ҳудудий бошқармалар раҳбарлари томонидан тасдиқланади.

Далолатнома нусхаси Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига юборилади.

4-боб. Аттестат ва сертификатни битирувчиларга топшириш

25. Ҳар йили 10 июнга қадар давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим муассасаси директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосарлари битирувчиларнинг баҳоларини, ўқув-тарбия жараёни билан боғлиқ

ҳужжатларни (синф журнали, баҳолар табели) ўрганади ва аттестат ва сертификат билан тақдирланадиган битирувчилар рўйхатини шакллантиради ҳамда педагогик кенгашга тақдим этади.

Ҳар йили 15 июнга қадар давлат ва нодавлат таълим муассасаси педагогик кенгаши битирувчиларни аттестат ва сертификат билан тақдирлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

26. Давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим муассасаларида битирувчиларга аттестат ва сертификат ҳар йили 20 июнга қадар тантанали равишда топширилади.

Аттестат ва сертификатларни тантанали равишда топшириш тадбири битирувчиларда Ватани, халқи, таълим муассасаси билан фахрланиш туйғулари ва улар билан ғурурланиш ҳисларини шакллантирадиган сценарий асосида ўтказилади.

27. Битирувчиларга берилгунга қадар тўлдирилган аттестат ва сертификат бланкалари, Аттестат ва сертификатни ҳисобга олиш ва тарқатиш дафтари давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим муассасаси раҳбарининг сейфида сақланади.

28. Экстернат тартибида таълим дастури бўйича якуний аттестациядан ўтган шахсларга аттестатлар бериш экстернат тартибида имтиҳон олиш ҳуқуқи берилган таълим муассасаси директорлари томонидан амалга оширилади.

29. Битирувчилар аттестат ва сертификатни олгани ҳақида Аттестат ва сертификатни ҳисобга олиш ва тарқатиш дафтарига имзо қўяди.

30. Аттестат ва сертификатни ҳисобга олиш ва тарқатиш дафтарида хатоликка йўл қўйилса, ушбу хатолар тегишли изоҳлар билан тuzатилади. Дафтардаги барча ёзувлар давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим муассасасида директори имзоси ҳамда таълим муассасасининг муҳри билан тасдиқланади.

Аттестат ва сертификатни ҳисобга олиш ва тарқатиш дафтари ҳудудий бошқармалар, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларининг масъул шахслари томонидан текширувдан ўтказилади.

31. Узрли сабабларга (касаллиги, халқаро кўрик танлов ва мусобақаларда иштирок этганлиги, вақтинча хорижий мамлакатда сафарда бўлганлигига) кўра вақтида берилмаган аттестат ва сертификат битирувчиларга берилгунга қадар тўлдирилган ҳолда давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим муассасаси директорининг сейфида сақланади.

32. Тўлдирилмаган аттестат ва сертификат бланкалари туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига, бошқа вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг тизимида бўлган умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари томонидан ҳудудий бошқармаларга уч кун давомида қайтарилиши шарт. Тўлдирилмаган аттестат

ва сертификатларни давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим муассасасида сақлаш қатъиян тақиқланади.

33. Тўлдирилмаган бланкалар йўқолган ҳолларда давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим муассасаси директори бу ҳақда дарҳол туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига ва ички ишлар органларига хабар қилади, бунда йўқолган аттестат ва сертификатнинг тартиб рақами кўрсатилиб, йўқотиш билан боғлиқ вазиятлар аниқ баён қилинади.

34. Умумий ўрта таълим муассасалари директорлари туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига, бошқа вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг тизимида бўлган умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда нодавлат умумтаълим ташкилотлари директорлари ҳудудий бошқармаларга битирувчиларга топширилган аттестат ва сертификат бўйича ҳар йили 1 июлга қадар ҳисобот беради.

35. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими аттестат ва сертификатларнинг топширилиши бўйича ҳисоботлар тузади ва ҳудудий бошқармаларга ҳар йили 1 августга қадар етказилади.

36. Ҳудудий бошқармалар аттестат ва сертификатларнинг топширилиши бўйича ҳисоботларни умумлаштириб, ҳар йили 15 августга қадар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига юборади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ҳар йили 1 сентябрга қадар аттестат ва сертификатларнинг тарқатилганлиги ҳақида электрон ҳисобот юритилади.

37. Умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларини аттестат ва сертификатлар билан тақдирлаш тартиби ушбу Низомга 2-иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

38. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигида тўлдирилмасдан қайтарилган аттестат ва сертификатлар дубликат сифатида бериш учун сақланади.

5-боб. Аттестат ва сертификатларнинг дубликатини бериш

39. Аттестат ёки сертификатларни йўқотган ёки фамилиясини ўзгартирган шахсларга, ёхуд аттестат ёки сертификат яроқсиз ҳолга келган, бузилган ҳолларда аттестат ва сертификатнинг дубликати (кейинги ўринларда дубликат деб аталади) берилади.

40. Дубликат беришда қуйидаги тартибга амал қилинади:

аттестат ва сертификатни йўқотган, олган аттестати ёки сертификати бузилган, яроқсиз ҳолатга келган ёки фамилияси ўзгарган шахслар ёки уларнинг ишончли вакиллари (кейинги ўринларда фуқаро деб аталади) аттестат ёки сертификатни берган давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим муассасаси директорига йўқотилиши, бузилиши ёки фамилияси ўзгариши ҳолати тўлиқ баён этилган ёзма ариза берадилар. Аризага ҳужжат йўқолганлиги тўғрисида газетада чоп этилган эълон, шахсини тасдиқловчи паспорт (туғилганлик тўғрисида гувоҳнома) нусхаси илова қилинади

(эълонда йўқолган аттестат ёки сертификатнинг берилган йили, серияси ва тартиб рақами кўрсатилиши шарт);

фуқаронинг умумий ўрта таълим муассасасида ўқиганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда 5 кун муддатда директор дубликат бериш масаласини умумий ўрта таълим муассасаси педагогик кенгашининг (кейинги ўринларда педагогик кенгаш деб аталади) навбатдан ташқари йиғилишида кўриб чиқиш учун киритади;

педагогик кенгаш дубликат бериш тўғрисида қарор қабул қилади ва қарорда йўқолган аттестатнинг берилган йили, серияси ва тартиб рақами кўрсатилади;

педагогик кенгаш қарори 5 кун муддатда туман (шаҳар) халқ таълими бўлимига ва унинг асосида ҳудудий бошқармаларга юборилади.

бошқа вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг тизимида бўлган умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари ҳудудий бошқармаларга юборади;

дубликатлар ҳудудий бошқармалар томонидан берилади;

дубликатни бериш муддати фуқаро мурожаат қилган даврдан бошлаб бир ойдан ошиб кетмаслиги керак;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳудудий бошқармаларнинг буюртмалари асосида ҳар йили 1 январга қадар дубликатларни ажратади;

ҳудудий бошқармаларнинг буюртмалари аввалги йилда фуқаролар мурожаатлари асосида берилган дубликатлар сони асосида белгиланади;

ҳудудий бошқармалар ҳар чорак якунида фуқароларга берилган дубликатлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига ҳисобот беради;

дубликатлар Халқ таълими вазирлиги томонидан белгиланган коидаларга асосан тўлдирилади ва юқори қисми ўнг бурчагига “дубликат” сўзи ёзилади;

дубликатлар Аттестат ва сертификатни ҳисобга олиш ва тарқатиш дафтарида қайд этилади. Дафтарнинг “олганлиги ҳақида имзо” устунига “йўқолган асл нусха ўрнига __№__, ____да” берилган ҳамда “баҳолар учун асл нусха берилган устунга қаралсин” деб ёзилади, асл нусха берилганлиги ҳақидаги қаторда “__№__” даги дубликат берилганлиги ёзилади ҳамда дубликат олганлик тўғрисида имзо кўйилади ва сана кўрсатилади.

41. Дубликат олиш учун буюртмалар асосида бекор қилинган асл аттестат ва сертификатнинг тартиб рақамлари ҳамда дубликатларнинг тартиб рақамлари ҳудудий бошқармалар томонидан назорат қилиб борилади.

42. Давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим муассасаси тугатилган ҳолларда дубликатлар архив ҳужжатларини сақлаш бўйича масъул бўлган бошқа умумий ўрта таълим муассасаси ёки архив томонидан тасдиқланган маълумотномалар асосида берилади.

43. Дубликат бериш учун расмийлаштирилган ҳужжатлар йиғма жилди умумий ўрта таълим муассасаси архивида сақланади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

44. Худудий бошқармалар, туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари, давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим муассасалари раҳбарлари ушбу Низом талабларига риоя қилиниши учун шахсан жавоб берадилар.

45. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Умумий ўрта таълим тўғрисидаги расмий давлат
ҳужжатларини битирувчиларга бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-илова

Умумий ўрта таълим муассасалари битирувчилари учун аттестат ва сертификат
бланкаларига буюртма бериш ва чоп этиш тартиби
СХЕМАСИ

Босқичлар	Ижроچилар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Умумий ўрта таълим муассасаси директори	а) битирувчиларнинг баҳоларини, ўқув-тарбия жараёни билан боғлиқ ҳужжатларни (синф журналли, баҳолар табели) ўрганиш; б) аттестат ва сертификат бериладиган битирувчилар рўйхатини шакллантириш; в) туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига буюртмани тақдим этиш	Тегишли ўқув йилининг 15 ноябрига қадар
2-босқич	Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари, бошқа вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг тизимида бўлган умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда нодавлат умумий ўрта таълим ташкилотлари раҳбалари	Аттестат ва сертификат бланкаларини олиш учун буюртмаларни ҳудудий бошқармаларга тақдим этиш	Тегишли ўқув йилининг 25 ноябрига қадар
3-босқич	Ҳудудий халқ таълими бошқармалари раҳбарлари	Буюртмаларни умумлаштириб, Халқ таълими вазирлигига тақдим этиш	Тегишли ўқув йилининг 1 декабрига қадар
4-босқич	Халқ таълими вазирлиги	Буюртмаларни умумлаштириб, “Давлат белгиси” давлат ишлаб чиқариш бирлашмасига буюртма бериш	Тегишли ўқув йилининг 15 декабрига қадар
5-босқич	“Давлат белгиси” давлат ишлаб чиқариш бирлашмаси	Халқ таълими вазирлигининг буюртмаси асосида аттестат ва сертификат бланкаларини тайёрлаш ва чоп этиш	Тегишли ўқув йилининг 1 майга қадар

4-босқич	<ol style="list-style-type: none">1. Умумий ўрта таълим муассасаси директорлари2. Бошқа вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг тизимида бўлган умумий ўрта таълим муассасалари ҳамда нодавлат умумтаълим ташкилотлари директорлари	<ol style="list-style-type: none">1. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимларига битирувчиларга топширилган аттестат ва сертификат бўйича ҳисоботларни тақдим этиш2. Худудий бошқармаларга битирувчиларга топширилган аттестат ва сертификат бўйича ҳисоботларни тақдим этиш	Тегишли ўқув йилининг 1 июлга қадар
5-босқич	Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимлари	Аттестат ва сертификатларнинг топширилиши бўйича ҳисоботлар тузиш ва худудий бошқармаларга етказиш	Тегишли ўқув йилининг 1 августга қадар
6-босқич	Худудий бошқармалар	Аттестат ва сертификатларнинг топширилиши бўйича ҳисоботларни умумлаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига тақдим этиш	Тегишли ўқув йилининг 15 августга қадар
7-босқич	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги	Аттестат ва сертификатларнинг тарқатилганлиги ҳақида электрон ҳисобот юритиш	Тегишли ўқув йилининг 1 сентябрга қадар

Умумий ўрта таълим тўғрисидаги расмий давлат
ҳужжатларини битирувчиларга бериш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-илова

**Умумий ўрта таълим муассасалари битирувчиларини аттестат ва сертификатлар билан тақдирлаш тартиби
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Ижрочилар	Тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Таълим муассасаси директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари	а) битирувчиларнинг баҳоларини, ўқув-тарбия жараёни билан боғлиқ ҳужжатларни (синф журналли, баҳолар табели) ўрганиш; б) аттестат ва сертификат билан тақдирланадиган битирувчилар рўйхатини шакллантириш; в) аттестат ва сертификат билан тақдирланадиган битирувчилар рўйхатини Педагогик кенгашга тақдим этиш	Тегишли ўқув йилининг 10 июнига қадар
2-босқич	Педагогик кенгаш	Битирувчиларни аттестат ва сертификат билан тақдирлаш тўғрисида қарор қабул қилиш	Тегишли ўқув йилининг 15 июнига қадар
3-босқич	Давлат ва нодавлат умумий ўрта таълим муассасалари	Битирувчиларга аттестат ва сертификатни тантанали равишда топшириш	Тегишли ўқув йилининг 20 июнига қадар

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил “13” май даги
393-сон қарорига
5-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган айрим қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта таълим тўғрисидаги шаҳодатноманинг давлат намунасини тасдиқлаш ҳақида” 2003 йил 2 июндаги 235-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” (Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида” 2011 йил 1 мартдаги 52-сон қарори) 2011 йил 20 июндаги 184-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2011 йил, 25-сон, 261-модда) илованинг 1-банди.

